

ПУХТА ЎЙЛАНГАН ТАШАББУСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 13 декабрь куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифини Ғузор туманида барпо этилаётган Uzbekistan GTL заводи билан танишишдан бошлади.

Ушбу ҳудуд яқин-яқингача қуруқ дашт бўлиб, бу ерда қурилиши мўлжалланган завод лойиҳаси тўхтаб қолган эди.

Шавкат Мирзиёев бу лойиҳага оид барча масалаларни ҳал қилиб берди — Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ, “Шўртан газ-кимё мажмуасининг тоза-ланган метани негизда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳаси бўйича қўшимча чора-тадбирлар бел-гиланди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур заводнинг қурилиш майдонига келиб, уни молиялаштириш, хорижий технологиялар билан жиҳозлаш, қурувчилар ва кадрлар таъ-миноти каби барча масалаларни чуқур таҳлил қилган эди.

Худди уша жой. Фақат бу гал манзара уму-

ман бошқача. 135 гектардан зиёд майдонда қурилиш ишлари қизгин давом этмоқда. Темир-бетон пойдеворлар қўйилиб, эстакада-лар қўтарилган. Улкан автокранлар ўрнатилиб, мураккаб ускуналарни йиғиш бошлаб юборил-ган. Заводнинг юраги бўлиши “Фишер-Тропш” реактори барпо этилмоқда.

Завод дунёдаги етакчи лицензиар компания-лар — “Sasol” (ЖАР), “Haldor Topsoe” (Дания) ва “Chevron” (АҚШ) технологиялари асосида бунёд этилаётир. Қурилиш ишлари бош пуд-ратчи — Корея Республикасининг “Hyundai Engineering Co. Ltd.” ва “Hyundai Engineering and Construction Co., Ltd”, Сингапурнинг “Enter Engineering Pte. Ltd.” компаниялари томонидан олиб борилмоқда. Қурувчи ва пайвандчилар-нинг кўпчилиги маҳаллий ёшлардир.

Япония, Жанубий Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Россия каби 21 давлатдаги 126 заводда мажмуа учун зарур 11 мингдан ортиқ технологик ускуналар тайёрланмоқда.

Бундай иш ҳажми бежиз эмас. Табиий газ-

дан синтетик суюқ ёқилғи (GTL) олиш жуда мураккаб жараён бўлиб, юқори технологиялар ва чуқур илмий ечимларни талаб этади. Ҳозир дунёда бундай заводлар атиги бешта. Шўртан-дагиси олтинчиси бўлади.

Мазкур улкан лойиҳанинг умумий қиймати 3,6 миллиард АҚШ доллариға тенг. Унинг амалга оширилиши натижасида йилга 3,6 миллиард куб метр газ чуқур қайта ишла-ниб, ЕВРО-5 стандартига жавоб берадиган 1,5 миллион тонна синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқарилади. Унинг 311 минг тоннаси авиае-росин, 743 минг тоннаси дизель ёнилғиси, 431 минг тоннаси нафта, 53 минг тоннаси суолтирилган газ бўлади.

Заводнинг асосий аҳамияти шундаки, табиий газ хом ашё эмас, қўшимча қийматли маҳсулот сифатида сотилади. Масалан, 1000 куб метр табиий газни тахминан 155 дол-ларга экспорт қилаётган бўлсак, янги заводда шунча газни қайта ишлаш орқали 300 доллар-лик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Фойда икки баробар ортади. Бошқа GTL маҳсулотларидан

олинадиган қўшимча даромад 576 миллион доллардан ошади.

Яна бир муҳим жиҳат — йилига нефть импортига кетадиган 1 миллиард доллардан ортиқ валюта тежаллади. Завод ишга тушган, 1 минг 300 дан ортиқ кишилар иш билан таъминланади.

Президентимиз мажмуа қурилишини кўздан кеңирди. Пудратчи ва инвесторлар билан суҳбатлашди.

Биз ҳар томонлама мулоҳаза қилиб, 1 мил-лиард долларлик импорт ўрнини тўлдирадиг-ан тарихий лойиҳани амалга оширмоқдамиз. Бу иқтисодиётимиз барқарорлигини мус-таҳкамлашга хизмат қилади. Шу пайтгача нефть-газ тармоғида бундай номенклатура йўқ эди. Бу ерда ёқилғи ишлаб чиқариб, бензин таннарини туширсак, одамлар лойиҳа сама-расини ўз кундалик ҳаётида сеза бошлайди, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутахассислар, техни-ка ва ресурслардан максимал фойдаланиб, қурилиш-монтаж жараёнларини оқилона му-вофиқлаштириш, заводни ишга туширишни тезлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни им-кон қадар эртароқ йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Уни фойдаланишга топириш муддатини қисқартириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш юзасидан топириқ берди.

Ушбу завод Шўртан газ-кимё мажмуасига яқин жойлашгани умумлашган инфратузилма объект-ларидан фойдаланишда қулайлик яратди.

Бу ерда яна бир лойиҳа — Шўртан газ-кимё мажмуасининг қувватини 125 минг тоннадан 505 минг тоннагача ошириш режа-лаштирилмоқда. У GTL нафтани қайта ишлаб, янги турдаги полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни кўзда тутди.

Бундай ишлар нефть-газ соҳасида бирин-чи кластер яратиш имконини беради. Ушбу корхоналар келгусида кимё, автомобилсозлик, туризм, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентимиз Яккабоғ туманида “Sag agro Yakkabogʻ” масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилаётган ёнғоқзор ва бодомзорларни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июн-даги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаоли-ятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда жорий йил январь ойидаги Қашқадарёга таш-рифи давомида берган топшириқлари асосида туманда “Sag agro Yakkabogʻ” МЧЖ томонидан 25 миллиард сўм маблаг эвазига 1 минг 140 гектар майдонда ёнғоқзор ва бодомзор-лар ташкил этилмоқда. Айни пайтда 700 гек-тар майдонда ёнғоқнинг “Chandler”, “Cisco” ва бодомнинг “Avijor”, “Guara” навли кўчатлари ўтказилди. Келаси йили яна 440 гектар майдонда мазкур дарахт кўчатлари экилади. Ёнғоқзор 4 йилда, бодомзор 3 йилда ҳосилга қиради.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

2018 йилнинг 12 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида”ги махсус резолюция қабул қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ушбу муҳим воқеа дунё оммавий ахборот воситалари, нуфузли экспертлар томонидан кенг эътироф этилганди. Хусусан, хорижий ОАВда янграётган филларга қўра, янгиланиш даврига ўтган Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори изчил ортиб бормоқда.

ДУНЁ НИГОҲИ

Чикагода чоп қилинадиган “**National Review**” таҳлилий журналида қайд этили-шча, Ўзбекистон 1992 йили БМТга аъзо бўлиб, 1993 йилдан буён Тошкентда ушбу глобал тузилманинг ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Эътиборлики, сўнгги икки йил Ўзбекистон БМТ доирасида жадал ва про-актив иштирок этган давр бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошқарувиға келиши ўзбек дипломатиясининг кўп томонлама тузил-

NATIONAL REVIEW

малар билан ҳамкорлиги мутлақо янгича тус ва руҳда ривожланиши учун шароит яратди.

Ўзбекистон Президенти 2017 йилнинг сен-тябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сес-сиясида барчани ҳайратда қолдирган нуқт сўзлаган эди, дея ёздаи америкалик журна-листлар. 2018 йил май ойида эса Шавкат Мирзиёев Вашингтонга расмий ташриф би-лан келди ва Президент Дональд Трамп ҳамда АҚШ бошқарув доиралари билан му-зокаралар ўтказди. “Дипломатия осмонида порлаб бораётган юлдуз бўлса, бу Ўзбекис-тондир”, дейилади журналда.

лари муносиб кутиб олинаётганини эътироф этади. Бу борада, жумла-дан, Шавкат Мирзиёев-нинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Циндао шаҳридаги саммитида илгари сурган тақлиф натижаси ўларок, ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожа-ати қабул қилингани ҳам эслатиб ўтилади. Қола-верса, жорий йилнинг июнь ойида БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий

Жанубий Кореянинг “The Korea Times” га-зетаси мухбирлари Ўзбекистон етакчиси-нинг глобал ташаббус-

“Ўзбекистонда экстремизм ғоялари таъсирига адашиб ту-шиб қолган фуқароларни ижти-моий реабилитация қилиш, соғ-лом ҳаётга қайтаришда инсон-парварлик, кечиримlilik ва бағрикенглик тамойиллари асо-

Осиё минтақасида тинч-лик, барқарорлик ва та-раққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолю-циясини бир овоздан қабул қилди. Мазкур ҳужжат ҳам Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ташаббуснинг амалий рўёби бўлди.

Кореялик шарҳлов-чиларнинг маълум қилишича, умумбаша-рий тузилмага аъзо

барча давлатлар Шавкат Мирзиёевнинг “Маъри-фат ва диний бағрикен-глик тўғрисида”ги резо-люциясини ишлаб чиқиш ҳақидаги тақлифини қўллаб-қувватлади. Шу ўринда, “The Korea Times”да БМТнинг ав-валги Бош котиби Пан Ги Мун ҳам, ҳозир мазкур лавозимни эгаллаб тур-ган Антониу Гутерриш ҳам Ўзбекистонга илиқ муносабат билдириши алоҳида таъкидланади.

сида иш тутиш бўйича тўплан-ган таҳриба жажон бўйлаб қанот ёзмақда, деб ёзилади **Хиндис-тоннинг “Times of Central Asia” журналида**. Танкили ёзув-чилардан бири ўз асарида “дунёни гўзаллик қутқаради”,

деб ёзган экан. Аммо жамон шуни кўрсатмоқдаки, дунёни маърифат қутқаради. Ўзбекис-тон буни яхши англаган ҳолда, нафақат мамлакатда, балки бу-тун жаҳонда оқсак маърифат ғоясини илгари сурмоқда”.

朝日新聞
The Asahi Shimbun



Озарбайжоннинг “Report” ахборот агентли-ғи тарқатган хабарда қабул қилинган ҳужжат дунёда ди-ний бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкам-лаш, диний эркинликларни таъминлаш, эътиқод қилув-чиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилиши ҳақида фикр билдирилади. Резолюция таълим-тарбияни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ва тинчликпар-варлик фаолиятини кучайти-риш, илм-фан ҳамда тадқи-қотларни қўллаб-қувватлаш каби чороларни ҳам ўз ичига олган. Бу борада муайян тақлиф ва ташаббус-лар илгари сурилган.

Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи»
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ, ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ҲАМДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида изчил чоралар кўрилкоқда.

Шу билан бирга, рақамлаштиришни таъминлашга ва рақамли иқтисодиётга ўтишга тўққинлик қилаётган қатор хал қилинмаган муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, давлат ахборот тизимларини ривожлантиришнинг ягона принциплари ишлаб чиқилмаган, ушбу соҳадаги тадбирлар эса ўзаро ва бошқа ахборот тизимлари билан узвий боғланмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

“Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаси лозим даражада ривожланмапти, бу давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлланга ўз тасирини кўрсатмоқда.

“Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишда таъсирчан мувофиқлаштирув ва ягона технологик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ресурсларнинг нооқилона фойдаланилишиға олиб келмоқда ҳамда тадбирларнинг самардорлигини пасайтирмоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлиги) рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 27 ЙИЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўтказилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, барқарор ривожланиши ва халқимиз тинчлигининг янада ишонгли ҳимоясини таъминлаш имконини бермоқда.

Миллий армия жамиятимизнинг ажралмас қисмига ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, мамлакат келажаги учун фуқаролик масъулияти ҳиссини оширишга хизмат қилувчи етакчи институтга айланмоқда.

Бугунги кунда Ватанини ҳимоя қилиш ёши, фаолият соҳаси ва касбидан қатъи назар ҳар бир фуқароннинг чинакам шарафли бурчидир ва айнан шу сабабли республикада Ватан ҳимоячилари кун байрамини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносиб қутиб олиш ва уни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, аҳолида миллий армиядан фахрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2018 йил 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисин Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланганидан сўн сенат-торлар кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Парламент аъзолари ишни Ўзбекистон Республикаси-нинг 2019 йилги Давлат бюд-жети, давлат мақсади жам-ғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиё-сатининг асосий йўналишла-ри тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда бошладилар.

Сенаторлар ўз чиқишлари-да мамлакатимизнинг келгу-

си йилга мўлжалланган энг муҳим молиявий ҳужжати 2017 — 2021 йилларда Ўзбе-кистон Республикасини ри-вожлантиришнинг бешта ус-тувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегиясида белги-ланган вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган ўзгаришлар асосида ишлаб чиқилганини таъкидладилар.

(Давоми 3-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2019 йилда Давлат бюджети даромадлари 102,6 триллион сўм миқдоридида прогност қилинмоқда, бу эса 2018 йилдагига нисбатан 38 фоиз ўсишни аниглади. Давлат бюджети харажатларининг умумий суммаси 107,1 триллион сўмни ёки жорий йилдагига нисбатан 36,4 фоиз кўпроқни ташкил этади.

Бунда иқтимоий соҳага Давлат бюджетидан сарфланадиган харажатлар 57,8 триллион сўмдан ортиқни ёки барча харажатларнинг 54 фоизини ташкил этади (2018 йилдагига нисбатан ўсиш — 34,4 фоиз). Бунда таълимга сарфланадиган харажатлар аввалги йилдагига нисбатан 25,5 фоиз ошди ва 28,4 триллион сўмни ёки барча харажатларнинг 49 фоизини ташкил этади. Соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатлар 2018 йилдагига нисбатан 30,5 фоиз ошди ва 12,1 триллион сўмни ёки барча харажатларнинг 11,3 фоизини ташкил этади. Иқтимоий нафақалар, ҳам таъминланган оилагара моддий ёрдам ва компенсациялар тулаш учун сарфланадиган харажатлар 5,2 триллион сўмни ташкил этади, бу эса 2018 йилдагига нисбатан 61,8 фоиз кўпроқдир.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 478 та аҳоли пунктида яшаш шaroитларини яхшилашга 6,3 триллион сўм йўналтирилди. 2019 йилда Давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз миқдоридида бўлиши прогност қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ, 2019 йилда юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда. Меҳнатга ҳақ тулаш фондига солиқ юки ҳам барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдоридида жорий этиш орқали қамайтирилди, шундан 0,1 фоизни шахсий ҳамжамбёр бориладиган пенсия ҳисоб-аварқаларига йўналтирилди. Бундан ташқари, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тулаш туридида даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинмадиган суғурта бадалларини бекор қилиш назарда тутилган.

Бўлғуси йилги Давлат бюджетидида бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тулаш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Кейинги йилда иш ҳақи, пенсиялар, иқтимоий тўловлар ва стипендияларини ҳар ярим йилда аввалги йилдаги инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорда ошириш тақлиф этилди. 2019 йил 1 январдан бошлаб иқтимоий нафақалар миқдорларини мутлақ суммада белгилаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатида Давлат бюджетини режалаштириш ва ижро этишни такомиллаштириш, бюджетлар ва муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудлар солиқ салоҳиятини кенгайтиришдан, бюджет тизими турли даражадаги бюджетларининг молиявий оқимларини бирлаштиришдан манфаатдорлигини ошириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган. Режалаштирилган ишлорларнинг амалга оширилиши миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини, давлат ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришини ва мамлакатнинг иқтисодиётини ривожлантириш таъминлайди. Мухокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилги асосий йўналишлари қабул қилинганига муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқиб, маъқуллади.

Сўнгра сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини тузиш, ижро этиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидида муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонунда Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тизимидида халқаро шартнома мақоми, таянч тушуначлар мустақамланмоқда, ушбу соҳадаги терминлар ва таърифлар умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ келтирилмоқда, шунингдек, халқаро шартномаларни тузиш жараёни аниқ тартибга солинмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдиришнинг қийидида усуллари белгиланмоқда: халқаро шартномани имзолаш, ноталар, хатлар ёки халқаро шартномани ташкил этувчи бошқа ҳужжатлар алмашиш, халқаро шартномани ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш, унга қўшилиш.

Қонунда халқаро шартномалар бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш механизмлари белгиланмоқда, бу эса замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда ягона электрон маълумотлар базасини яратиш, давлат органлари томонидан ҳар йили 31 декабрда қадар Ташқи ишлар вазирлигига халқаро шартномаларни бажариш тўғрисида ахборот юбориш, халқаро шартномалар ижроси ҳолати самарадорлигини баҳолаш, уларнинг тегишлича бажарилишини таъминлаш бўйича тақчиллар тайёрлаш назарда тутилмоқда.

Сўзга чиққанлар қайд этганларидек, қонун давлат органлари ишлари самарадорлигини, уларнинг жавобгарлигини ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган ҳужжатлар сифатини оширишга, қонунлар тарафидан битимлар тегишлича бажарилиши устидан назоратни таъминлашга, шунингдек, юзга келмаётган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш учун олдинчи олувчи чоралар кўришга, мамлакат ташқи сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири сифатида халқаро ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини бойитиш ва такомиллаштиришга, республика учун истиқболли бўлган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузишга, халқаро ҳуқуқ умумэтироф этилган нормаларининг устунилигини таъминлашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқилди. Консуллик устави ГФР, Франция, Буюк Британия, АКШ, Жанубий Корея, МДХ мамлакатлари каби хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқил-

ган. Ҳужжатда хорижда мамлакатимиз манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича консуллик муассасаларининг асосий вазифалари мустақамланмоқда.

Ҳужжатда фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, консуллик округи ҳудудида яшаш учун маблағсиз қолган фуқароларга қўмақлашиш, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда қўмақлашиш, шахсни тасдиқловчи ҳужжати йўқотганда қўмақлашиш бўйича қонсул функцияларни кенгайтирилмоқда.

Консуллик мансабдор шахсининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланмоқда, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш меzonлари жорий этилмоқда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш, масалан, виза сўровномалари, ҳужжатларни талаб қилиб олиш учун аризалар бериш, консуллик ҳисобига олиш каби хизматлар кўрсатишга доир консуллик функциялари мустақамланмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Жабранувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Қонунда ҳимоя қилинувчи шахслар рўйхати назарда тутилмоқда, уларнинг ҳимоясини таъминловчи давлат органлари доиралари белгиланмоқда. Ҳужжатга мувофиқ, икки ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати органлари, прокуратура органлари, судлар ҳимояни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи органлар ҳисобланади. Шу билан бирга, икки ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати органлари, ҳарбий қўсмавлар ва Қўролли Қўчалари ҳарбий тузилмаларининг юқори турувчи қўмондонлиги хавфсизлик чораларини таъминлаш, аҳолини иқтимоий ҳимоя қилувчи органлар ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа органлар эса иқтимоий ҳимоя чораларини таъминлаши белгилаб қўйилмоқда.

Таъкидланганича, қонунда ҳимоя қилинувчи шахс тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфиллигини таъминлаш, шахсни, уй-йўйини ва бошқа мол-мулкни қўриқлаш, махсус индвидуал ҳимоя воситаларини ва техник воситаларини бериш, ватчиналик хавфсиз жойига ҳужлаштириш, бошқа яшаш жойига кўчириш, иш ёки ўқиш жойини ўзгариштириш, ҳужжатларни алмаштириш, ҳимоя қилинувчи шахс ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш каби хавфсизлик чоралари назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ҳимоя қилинувчи шахсларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини таъминлаш, иқтимоий ҳимоя чораларини қўллаш, қўшимча хавфсизлик чораларини қўллаш ҳақидаги ариза билан мурожаат этиш, ҳимоя қилишни таъминловчи органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан қонун турувчи органга шикоят қилиш бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонунга қўра, ҳимоя қилинувчи шахслар хавфсизлик чораларини таъминловчи органнинг қонуний талабларини бажариши, ўзига нисбатан қилинган ҳар бир тақдид ёқда қайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида уларни дарҳол ҳабардор қилиш, хавфсизликни таъминлаш учун ўзига берилган мол-мулкни асраб-авайлаш, ўзига нисбатан қўланулган хавфсизлик чоралари ҳақидаги маълумотларни ошқор этмаслиги шарт. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Уруғчилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун уруғчилик соҳасидидаги муносабатларни тартибга солиш

механизмларини такомиллаштиришга, уруғчилик экспорт қилиш учун қўлай шарт-шaroитлар яратишга, уруғчилик соҳасида субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга қаратилган.

Қонунда инвестицияларни жалб этиш учун қўлай шарт-шaroитлар яратиш, инфратузилма ва сервис хизматларини ривожлантириш, илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ва фаолиятнинг замонавий шаклларини жорий этиш, уруғчиликнинг кўпайтиришнинг ва улар билан истеъмолчиларни таъминлашнинг самарали тизимини яратишни назарда тутадиган уруғчилик соҳасидида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда, уруғчиликларни ишлаб қилиш, тайёрлаш, уларга ишлов бериш, учарни сақлаш, ишлаш ва реализация қилиш масалалари тартибга солинмоқда. Уруғчилик етиштирувчиларнинг реестрини юритиш тартиби ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонун уруғчилик соҳасидидаги муносабатларни тартибга солиш механизмининг янада такомиллаштиришга, уруғчиликнинг экспорт қилиш, уруғчилик тоифаларини халқаро тоифаларга мувофиқ белгилаш учун қўлай шарт-шaroитлар яратишга, уруғчилик соҳасидида субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, уруғчилик сифатини яхшилашга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг, сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси қонунини давлат божхона хизмати органлари ходимлари қонунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди. Қонунда 26 январь қонунини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ходимлари қонунини этиб белгилаш назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари ходимлари қонунини белгилаш тўғрисидаги қонун божхона органларига шахсий таркибининг замонавий-ахлоқий ва маърифий-руҳий тарбиясини ошириш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари қонунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқилди. Қонун билан апрель ойининг биринчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари қонунини этиб белгиланмоқда.

Сўзга чиққанлар таъкидланганидек, қонун республика бўшлари орасида геология соҳасини омаллаштиришга, юқори маалакли ходимларнинг потенциал сонини оширишга, геологик кидирув ишларининг самарадорлигини оширишга, саноат микёсида ўзлаштириш учун ўзқайиладиган янги фойдалли қазилмалар қонлари очилишини рағбатлантиришга, республика минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшган геологларнинг меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибининг таъминлаш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Меҳнат кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тулади.

Жиноий ва маъмурий қонунчиликка киритилмаётган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатдаги жамоат тартибини мустақамлаш бўйича

аниқ чора-тадбирлардан иборат ва тиланчилик билан шуғулланганлик ҳамда воёга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий касалликлари, ногиронлиги бўлган шахсларни тиланчилик қилишга жалб этганлик учун жавобгарлиқни белгилаб қўйишга қаратилган. Ўзгаришлар меҳнат қонунчилигини ҳам четлаб ўтмади. Ишга қабул қилиш тартиби ва иш бевуқчининг мазкур жараёндаги масъулиятига оид айрим низоомлар соддалаштирилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун чалоклар ва болалар, воёга етмаган шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кекса одамлар ишларида тиланчилик қилиш ҳолларининг олдини олишга, жамиятнинг ахлоқий қадриятларини ҳимоя қилишга, энергетик ичимликларни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш ёки суистеъмол қилишнинг олдини олишга, шунингдек, фуқаролар соғлигини асрашга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилинди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 17 та қонунини ва 6 та кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Қонун давлат органлари ўз олдида қўйилган вазифаларни бажариши учун янада қўлай шарт-шaroит яратишга, улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмининг такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун билан “Прокуратура тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонунлар ва Уй-ҳой кодексига прокуратура органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан прокуратура органларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш имконини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда. Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қаторидан ҳўжалик қиситувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, бундай ишларни бажаришда тақорларни ва суистеъмолликларга йўл қўймаслик вазифалари қийариб ташланмоқда.

Қонунга киритилган тартибга қўра, уй-ҳой объектининг манзили бўйича доимий пропис-ка қилинган воёга етган жисмоний шахслар электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва суви чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун кўрсатилган хизматларга ҳақ тулаш бўйича мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўлиди.

“Архив иш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига Миллий архив фонднинг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини тасарруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибидида ёқд бошқа усулда бир шахсдан бикини шахсга ўтказиш учун рухсат бериш функцияларини “Узархив” агентлиги ваколатларидан чиқариб ташлашни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига тегишли равишда ҳудудий ашхара божқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш ҳамда ахборотини эшитиш тартибининг белгилаш ваколатини беришни назарда тутувчи ўзгаришлар ҳам киритилмоқда.

Қонундан адлия органлари ҳўжалик юри-тувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишини, шунингдек, ҳўжалик шартнома-ларини ижро этиш жараёнини назорат қили-шини назарда тутувчи норма чиқариб таш-ланмоқда. Шундай тартиб киритилмоқдаки,

унга қўра Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий эксперти-засини бошқа турдаги экспертизаларни ўтказ-иб бўлгандан сўнг мажбурий равишда амал-га оширади. Тегишли адлия органларига ма-ҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарор-лари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш вазифалари юкланмоқда.

Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳасига илова этилган ҳужжатлар рўйхатига қонун лойиҳасининг ҳуқуқий эксперти-заси якунлари бўйича Ўзбекистон Республи-каси Адлия вазирлигининг ҳулосаси кирити-лмоқда.

Шунингдек, айрим қонунларга ташқи иш-лар вазирига Молия вазирлиги билан келиш-ган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хо-риждаги дипломатик ва консуллик муассаса-ларининг ҳар йилги харажатлари ййима сме-тасини ва харажатлар сиемаларини тасдиқ-лаш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи ўзгаришлар ҳам киритилмоқда.

“Рақобат тўғрисида”ги Қонунга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганилик учун жарима солиш ҳақида қарорлар қабул қилишни монополияга қарши органнинг вако-латларидан чиқаришни ва рақобат тўғрисида-ги қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш вазифаларини монопо-лияга қарши органдан тегишли судларга ўткази-шни назарда тутувчи ўзгаришлар киритил-моқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Парла-мент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-публикаси қонунлари норма билан тўқдирил-моқда. Унга қўра Олий Мажлис Сенати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ишдорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ах-боротини эшитида. Қонун сенаторлар томо-нидан маъқулланди.

Сўнгра Сенат аъзолари “Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомил-лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Қонун судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштиришга қаратил-ган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ ко-дексига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Бунга қўра судларга давлат божини тулаш бўйича амалдаги 74 та имтиёз-дан 17 тасини бекор қилиш, янги тузилган маъмурий судларга мурожаат қилганда дав-лат божи тулашдан озод этиладиган шахслар ва органлар рўйхатини белгилаш, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисо-дий судлар учун давлат божини ундириш объектларини бирлаштириш қўзда тутилмоқ-да.

Қонун билан жорий этилаётган тартибга қўра, айрим тоифадаги шахсларга нисбатан талабларни қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, ушбу шахслардан суд-ларда давлат божи талабларининг қаноат-лантирилиши рад этилган микдорига мутано-сий равишда ундирилади. Қонунда белгила-нишча, давлат божини тулашдан озод этил-ган давлат органлари ва бошқа шахслар то-монидан юридик шахслар ва фуқаролар ман-фаатларини қўлаб бидирилган талабларни қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этил-ган тақдирда, давлат божи манфаатлари қўланган шахслардан талабларнинг қаноат-лантирилиши рад этилган микдорига мутано-сий равишда ундирилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг парламент аъзолари “Иқти-содий жиноятларга ва оммавий қирғин қуро-лини тарқатишни молиялаштиришга қарши ку-

рашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбеки-стон Республикаси қонунини кўриб чиқилди.

Қонун жинойи фаолиятдан олинган даро-мадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуроллини тарқатишни молия-лаштириш соҳасидида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда халқаро стан-дартларга мувофиқлаштириш мақсадида иш-лаб чиқилди. Ҳужжатда Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2018 йил 23 майдаги Фармонидан келиб чиққан ҳолда Бош проку-ратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг асосий ва-зифалари ва функциялари белгилаб берил-ган. Ўзбекистон Республикасининг 19 та қону-ни ва 5 та кодексига концептуал, техник ва аниқлаштирувчи ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Жиноят кодексига қонунга хилоф ра-вишда валюта қимматликлари оланлиги ёки ўтказганлик учун жавобгарлиқни қунайтириш-ни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, қонун иқтисодий жино-ятларга ва оммавий қирғин қуроллини тар-қатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидида профилактика тадбирлари сама-радорлигини янада оширишга қўмақлашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар “Қишлоқ ҳўжалигидида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-каси қонунини кўриб чиқилди. Қайд этилга-нидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгаларининг ҳўжуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тудбан та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига ҳамда 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ қонун билан “Фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғри-сида”ги, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги”, “Тадбиркор-лик фаолияти эркинлигининг” қафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун-ларига, Ер кодекси ва Солиқ кодексига ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторлар мазкур қонун фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг экин майдонларидан самар-али фойдаланганидан, жамоатчилик назора-тининг таъсирчан тизимини ҳуқуқий асосда ўрнатишдан шахсий мафлақадорлигини ва жа-вобарлигини оширишга қўмақлашшини қайд этдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар “Фонотрамма тайёрлашларнинг манфаатларини уларнинг фонотраммалари қонқоний тақорланишдан мунофоза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева, 1971 йил 29 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги, “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Же-нева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Рес-публикасининг қўшилиши тўғрисида”ги, “Бу-тунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ихроқлар ва фонотраммалар бўйича шартно-масига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзе-бекистон Республикасининг қўшилиши тўғриси-да”ги, “Ўзбекистон Республикаси билан То-жикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш ҳақида”ги, “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қўшма аксилтер-рор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўткази-ш тартиби тўғрисидаги Битмини (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунла-рини кўриб чиқиб, маъқуллади.

Шундан кейин сенаторлар Фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси раисининг Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитди.

Буг

ОЙЛИК МАОШ ҲАМ, ПЕНСИЯ ҲАМ

ТЎЛИҚ ТЎЛАНАДИ

Айни пайтда юртимизда 3 миллион 87 минг 265 нафар пенсионер бор. Уларнинг аксарияти оила даврасида умргузаронлик қилаётган бўлса, шундан 100 минг нафардан зиёди турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Бироқ шу пайтгача ҳамма пенсионер ҳам ишлашдан бирдек манфаатдор эмас эди. Сабаби пенсионерларнинг барчаси ҳам ойлиги ва пенсиясини тўлиқ миқдорда ололмасди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, бугунги кунда 118 минг 736 нафар

пенсионер иш билан машғул. Шундан 40 минг нафари пенсия пулини тўлиқ ҳажмда, қолган 78 минг нафардан ортиғи эса тенг ярмини олади.

Президентимизнинг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ана шу моддий манфаатдорлиқни ошириш билан бирга, яна қатор ижобий ҳолатларга туртки беради.



Ишловчи пенсионерлар

Тўлиқ пенсия олувчи —
40 000
нафар

50 фоиз пенсия олувчи —
78 736
нафар

Пенсия ҳисоб-китоб қилишда иш ҳақининг максимал миқдори

Э К И Х

8
баробардан

10
баробарга

оширилди

Шухрат ДАВРОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари:

— Мазкур Фармон билан пенсионерларни икки томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Биринчидан, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсия ёшида меҳнат қилаётган барча ходимларга ойлик маоши билан бирга, пенсияси ҳам тўлиқ тўланадиган бўлди.

Иккинчидан, пенсияни ҳисоб-китоб қилишда иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача оширилади. Яъни пенсионерларга қўшимча равишда ўртача 65 мингдан 250 минг сўмгача бўлган миқдорда пенсия пуллари берилади. Ушбу харажатлар Пенсия жамғармаси бюджетидан амалга оширилади.

Бугун тармоқларни жадал ривожлантириш жараёнида ёш, фойдаланиш, билимдон, янгиликка чанқоқ кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Таълим соҳасида олиб борилаётган

ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам шу: замонавий ва малакали кадрларни тайёрлаш. Бироқ уларга йўл-йўриқ кўрсатадиган, ўзининг кўп йиллик бой тажрибаларини ўргатиб, устозлик қила оладиган соҳа усталарининг кўпи пенсия ёшида. Фармон ана шундай етук мутахассисларни касбига қайтариш, бой тажрибаси ва илмий салоҳиятини соҳалар ривожига жалб қилиш, ўз ортидан ёш кадрларни эргаштириши учун улкан имконият яратиб бермоқда.

Барно МУҲАММЕДОВА, пенсионер:

— Президентимиз Фармони биз каби пенсионерларга кенг имконият яратмоқда. Энди ҳам ойлиқни, ҳам пенсиямизни тўлиқ оладиган бўлдик. Бу маблағлар оиламиз бюджетига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Дарвоқе, пенсия таъминотидаги мазкур ислохотлар халқаро меҳнат бозоридаги талабларга ҳам тўла мос келади. Унга кўра, ёшга доир пенсия тўлови фуқаро йўқотиладиган даромадининг камида 40 фоизини қоплаши талаб этилади. Пенсиядаги янги тартибимиз ушбу нормага мос келади.

Ботир АЛИМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги илмий маркази директори:

— Маҳаллий меҳнат бозорига малакали ва тажрибали кадрларга етарли иш ўринлари мавжуд. Фармон билан айрим чекловлар олиб ташланди. Бу адолат нуқтаи назаридан ҳам жуда тўғри иш бўлди.

Хулоса қилишдан олдин АҚШнинг Орегон штати университетининг бир гуруҳ олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига тўхталиб ўтсак. Маълумотларга кўра, пенсия ёшидаги кишиларнинг бир кунда 10 — 12 соат меҳнат қилиши уларнинг чарчасига эмас, аксинча, умри узайишига сабаб бўлар экан. Қолаверса, ишлаётган пенсионерларнинг орасида қарилик билан боғлиқ касаллик аломатлари бир неча фоиз камроқ кузатилиши ойдинлашди. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ушбу Фармоннинг аҳамияти ва моҳиятини шундан ҳам билиб олиш мумкин.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

БОЖХОНА хабарлари

Қонунни четлаб ўтишга йўл қўйилмади

Қорақалпоғистон Республикасининг “Доут-ота” чегара божхона постида фуқаро Х. С. бошқарувида бўлган автомашина божхона кўригидан ўтказилганда, 45 миллион 435 минг сўмлик 618 дона парфюмерия ва 8 литр спирт маҳсулотлари ноқонуний равишда олиб кирилаётгани аниқланди.



Мазкур ҳолат юзасидан текширув олиб борилмоқда.

Ўзи қолиб, ўзгаларни ишга солган

Андижон вилоятининг “Дўстлик” божхона постида фуқаролар кўмағида товарларни ноқонуний равишда олиб киришга уринган шахснинг ҳаракатига чек қўйилди.

У икки турдаги сифати кафолатланмаган қандолат маҳсулотларини божхона пости ташқарисидаги автотураргоҳда ўзи олдиндан келишиб қўйган фуқаролардан қабул қилиб, “Нексия” автомашина-

сига ортаётган вақтида фош қилинди. Қўямати 6,2 миллион сўмлик ширинликларнинг яширинча олиб кирилиши ҳамда юзгага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олди олинди.

«Автомашина рақамини алмаштириш» операцияси

Наманган вилояти, Янгйўл тумани, Мамай қишлоғидаги айланма йўлда тўхтаб турган, фуқаро Э. Б. бошқарувида бўлган, қўшни давлат рақамига эга “ВАЗ-2106” русумли автомашина ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди.



Ойдинлашдики, автоулов аслида Ўзбекистон Республи-

каси давлат рақамига эга бўлиб, унинг салони ва юқо-насида муқаддам қўшни мамлакатдан айланма йўллар орқали олиб кирилган, қиймати 7,5 миллион сўмлик банан, нок ва қувватли ичимликлар орттилган экан. Шу тариқа “Автомашина рақамини алмаштириш” операцияси фош қилинди.

Ўқ-дорилар тўхтатиб қолинди

Тошкент вилоятининг “Ғиштқўприк” чегара божхона постида фуқаро Г. З. нинг қўл юклари орасида божхона ходимларининг оғзаки сўрови ҳамда йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган 11 дона 12 калибрли гильза, оғирлиги 3,2 кг. бўлган қўроқшан ўқлар ҳамда 231 гр. пробкаларни қўшни давлатдан олиб кираётгани маълум бўлди.

Шу ернинг ўзида фуқаро М. Я. га тегишли бўлган “Chevrolet Lacetti” русумли автоулов ҳолислар иштирокида божхона кўригидан ўтказилганида, машинанинг салон қисмидаги магнитофон остида жойлашган тортмасидан 1 дона 9 мм.ли, ташқи кўринишидан “Макаров” тўпқончаси учун мўлжалланган жанговар ўқ борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати материаллари асосида Ш. БҲАЕВ тайёрлади.

Хавфсиз туризм

Хорижлик сайёҳ нимадан мамнун?

Бухорога сайёҳат қилган бангладешлик Шибли Аҳмед ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларига миннатдорлик билдирди.

Ган шундаки, мазкур бошқарма ходимлари жойларда хавфсизликни таъминлаш баробарида, хорижлик меҳмонларга таржимонлик ҳам қилишмоқда.

Дарвоқе, шаҳарнинг 32 жойида ўзбек, рус, инглиз тилларида йўл кўрсатувчи белгилар ўрнатилган, ундан зиёд ерда Wi-Fi, 4 ахборот хизмати ҳамда

валюта айирбошлаш шохбасаси ишлаб турибди. Мавжуд 167 меҳмонхона электрон тизимга уланган.

Маълумотларга қараганда, шу йилнинг ўтган даврида Бухорога 143 мингдан зиёд хорижий сайёҳлар ташриф буюрган.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банкининг «Янги йил совғаси» тиражи, пул-буюм ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) иштирокчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг «Янги йил совғаси» тиражи, пул-буюм ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) ютуқлар тиражи **2018 йил 27 декабрь** куни Жиззах шаҳрида «Жиззах вилояти мусиқали драма театри» биносидан очiq тарзда ўтказилади.

Ўйин қатнашчилари ютуқлар тиражини бевосита залда кузатиш имкониятига эга.

Лотерея иштирокчиларига омад тилаймиз! Хизматлар лицензияланган.

Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси

қуйидаги объект қурилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очiq харидлар ўтказилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қароридан белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги «Сайхунобод деҳқон бозори» МЧЖни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида бир қаватли минимаркет, ёрдамчи иншооти билан 50 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган IV типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.

Харид ишларининг охири қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда **3 282 413 241 сўм**, ҚҚСни ҳисобга олмаганда **2 735 344 368 сўм**ни ташкил қилади.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.

Қурилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб — **180 кун**. Буюртмачи: **бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси**. Манзил: **100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.**

Савдода қатнашувчилар учун қуйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажми (656 482 648 сўм)даги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.

Харид ҳужжатлари **exarid.uzex.uz** сайтига жойлаштирилади. **ЛОТ: № 904145.**

Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — **бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг қуйидаги манзилига мурожаат қилиш лозим:**

Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27; электрон почта — **nbu.direksiya@mail.ru.**

Харид ташкилотчисига таклиф юборишнинг охириги муддати — **2018 йил 21 декабрь, соат 18.00.**

Таклифларни очиш **2018 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Ёрқин Жўраевич Мақсудовга отаси **Жўра Юнусович МАҚСУДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА жамоаси Агентликининг Андижон вилояти бўйича собиқ фотомухбири **Шухрат ОЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QISHLOQQURILISHBANK

Moody's
INVESTORS SERVICE

халқаро рейтинг агентлиги томонидан

«Қишлоқ қурилиш банк»
акциядорлик тижорат
банкнинг
рейтинглари тасдиқланди.

Рейтинглар истиқболи —
«Барқарор».

Маълумот учун:
78-150-39-93, 78-150-93-39.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг стқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Улугмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.50 Тошпирилди — 03.15 1 2 3 4 5 6